

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎҚУВ ЛУҒАТИ ТИПЛАРИНИ АЖРАТИШ МУАММОЛАРИ

Б.М.Бахриддинова – филология фанлари номзоди

Қарши давлат университети

**Таянч сўзлар:** луғат, ўқув луғати, ўқув луғатчилиги, мактаб луғати, ўқув луғатлари типологияси, икки тилли луғат, антропоцентрик луғат, филологик луғат, энциклопедик луғат, универсал луғат, комплекс луғат, синонимлар ўқув луғати, имло ўқув луғати

**Ключевые слова:** словарь, учебный словарь, учебная лексикография, школьный словарь, типология учебных словарей, двуязычный словарь, антропоцентрический словарь, филологический словарь, энциклопедический словарь, универсальный словарь, комплексный словарь, учебный словарь синонимов, учебный орфографический словарь

**Key words:** dictionary, educational dictionary, educational lexicography, school dictionary, typology of educational dictionaries, bilingual dictionary, anthropocentric dictionary, philological dictionary, encyclopedic dictionary, universal dictionary, comprehensive dictionary, synonyms training dictionary, spelling dictionary.

Ўқув луғатчилиги лексикографиянинг ўзига хос мустақил соҳаси сифатида тан олинган бўлса-да, унинг асосий тур ва жанрларини ажратиш тилшуносликда бир мунча мунозараларга сабаб бўлган [1, 2].

Луғатлар типологияси – мавжуд луғатларни илмий таснифлаш масаласи лексикографиянинг марказий тушунчаларидан ҳисобланиб келган. П.Н.Денисовнинг таъкидлашича, луғатлар типологияси хусусида илк марта Л.В.Шербанинг 1940 йилда нашр этилган “Лексикографиянинг умумий назарияси тажрибасидан” деб номланган мақоласида сўз боради. Бироқ назариётчилар, хусусан, Б.Кюмада луғатларнинг илк илмий типологиясини Я.Малкил номи билан боғлайди. “Лексикография назариясининг асосчиси Л.Б.Шчерба ҳисобланади, – дейди Н.Н.Денисов, – бундан 37 йил аввал Л.В.Шерба томонидан лексикографиянинг назарий масалалари – 1) луғатларнинг асосий типлари; 2) ҳозирги адабий тилнинг лексик тизими асослари; 3) оғзаки ва ёзма нутқнинг муносабати; 4) сўзларнинг маъноси ва қўлланилиши; 5) сўзлик масалаларига ойдинлик киритилган эди” [3:23].

Мазкур типология мавжуд луғатларнинг барча кўринишларини қамраб олувчи қуйидаги олти жиҳатга асосланган қарама-қарши жуфтликдан ташкил топади: академик типдаги луғат – луғат-справочник; энциклопедик луғат – умумий луғат; тезаурус – оддий (изоҳли ёки таржима) луғат; оддий (изоҳли ёки таржима) луғат – идеологик луғат; изоҳли луғат – таржима луғати; замонавий луғат – тарихий луғат [4].

Л.В.Шербанинг ушбу таснифи бугунги замонавий луғатлар типологияси учун ҳам асос бўлиб келмоқда. В.А.Козырев ва В.Д.Черняклар луғатлар типологиясини замонавий назарий ва амалий лексикографиянинг ҳам энг долзарб муаммоси эканлиги, амалий тилшуносликда айна пайтда мавжуд луғатларнинг сон-саноксиз ва ранг-баранг турларини фарқлашнинг муҳим ечими типология билан боғлиқ эканига урғу беради. Муаллифлар асосий луғатларнинг деярли барча кўринишлари ўқув адабиёти типиди яратилиши ва луғатларнинг умумий типологиясини ўқув луғатлари типологиясини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлигини таъкидлайдилар [5:385]. П.Н.Денисов ҳам ўқув луғатларининг катта академик луғатлар моделига асосланиши, тилнинг лексик тизими моделини ўзида акс эттиришини таъкидлайди [6:56]. Унингча, ўқув луғатлари типологиясини беришда меъёрий, тизимлаштириш характериға эға бўлган академик луғатлар асос вазифасини ўтайди. “Одатда, – дейди П.Н.Денисов, – ўқув луғатлари ўз вазифасига кўра тилнинг луғат тизими ядроси, муайян инсонийлик жамиятининг муайян даврдаги лисоний онгининг модели сифатида катта назарий қизиқиш уйғотади” [3: 35].

Ўқув мақсадига йўналтирилган ҳар қандай лексикографик ишларни умумлаштириш ва асосий гуруҳларини ажратиш масаласи Л.А.Новиковнинг ишларида ҳам ўз ифодасини топади. Л.А.Новиков Л.В.Шербанинг луғатлар типологиясига таянган ҳолда ўқув луғатлари типологиясига доир қарашларни аниқлаштирди. Унингча, луғатнинг ушбу тури лексик

тизимнинг энг муҳим аспектини қамраб олиши лозим. Л.В.Копецкий лексикографиянинг объекти амалдаги адабий тилнинг бутун луғат қатламини қамраб олиши, бу, асосан, изоҳли луғатлар воситасида амалга ошириши кераклигига эътибор қаратади [7:23]. П.Н.Денисов Л.В.Шербанинг фикрларига таяниб, луғатнинг асосий вазифасини сўз маъносининг барча жиҳатларини изоҳлаш деб белгилайди ва луғатнинг асосий типини академик меъёрий-тизимли изоҳли луғат деб ажратади. Бундай типдаги луғатларнинг жамият учун асосий хизмати маълумот бериш, луғатнинг ички тузилмаси маълумотни тез ва қулай излаш талабига жавоб беришидир.

П.Н.Денисов луғатларнинг умумий таснифи қуйидаги омилларни ҳисобга олиши лозим деб ҳисоблайди: 1) луғатнинг социолингвистик ва психолингвистик мезонлари; 2) луғатнинг лингвистик мезонлари; 3) луғатнинг семиотик мезонлари [3:42].

Тўғри, ҳар қандай луғат ниманидир ўргатиш, маълумот бериш характериға эға. Зеро, “луғат” сўзининг ўзи шу тушунча асосида яшайди. Ўқув луғати “луғат” тушунчаси моҳиятини тўла хусусийлаштиради, аниқроғи, айнан “луғат”ларга хос вазифани бажариш учун хосланган бўлади. У ҳар қандай ҳолатда ҳам тилни, унинг лексикаси, меъёрларини ўргатиш учун хизмат қилади. Ўқув луғатини таснифлашда, аввало, она тилини ўргатиш учун яратилганми ёки хорижий тилларни ўргатиш учунми, тил луғат қатламининг қайси аспектини ёритиши, сўзликни танлаш тамойили ва манбаси, луғат мақолаининг таркибий тузилмаси, ҳажми, сўзликни тартиблаш мезони ва бошқалар ҳисобга олинади. “Ўқув” тушунчаси ўз навбатида луғат тавсифида аксини қолдиради, ҳар қандай ўқув луғати узлуksиз таълимнинг муайян босқичи учун мўлжалланган бўлади, таълим олувчининг ёши, муайян тилни ўқитишнинг амалдаги умумий меъёрларига асосланади.

В.В.Дубичинскийнинг таъкидлашича, ҳар қандай лексикографик нашр тури, хусусан, ўқув луғати амалда фойдаланувчининг методик-прагматик хусусиятларини, ўқитиш жараёни билан боғлиқ турли вазиятларни, таълим босқичи талабларини ҳисобга олиши лозим. Ўқув луғатларининг беvosита антропоцентрик йўналганлиги – антропоцентрик луғат эканлиги уларнинг типологиясини тўзишда бош асос бўлиб хизмат қилади. В.В.Дубичинский шў нуктаи назардан ўқув луғатларини, аввало, икки гуруҳга ажратиш лозим деб ҳисоблайди: 1) тил ўрганувчилар учун луғатлар; 2. тилни ўргатувчилар учун (ўқитувчилар) луғатлар [8: 337-338].

Ўқув луғатларининг В.В.Морковкин томонидан тузилган таснифида нутқий фаолият ва тушунча бериши нуктаи назаридан “фаол” ва “пассив” жиҳатларига эътибор қаратилади ва уларнинг уч турини ажратиш таклиф қилинади: 1) пассив луғатлар – матнни ўрганиш ва тушуниш учун; 2) фаол луғатлар – матн тузиш ва гапириб бериш учун; 3) пассив-фаол луғатлар – ҳар икки мақсадга йўналган [9:105].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўқув луғатлари типларини ажратиш масаласи

луғатшуносликда тўла ечимини топмаган. Жаҳон ўқув луғатчилиги соҳасида олиб борилган ишлар, жаҳон луғат хазинасида мавжуд бўлган шу тоифадаги луғатлар асосида ўқув луғатлари таснифи ва тавсифини келтирамиз:

**1. Антропоцентрик йўналганлигига кўра.** Барча луғатлар каби ўқув луғатлари ҳам, аввало, инсонга тилни ўргатиш учун хизмат қилади, унинг марказида инсон туради. Адресат тилни ўз она тилиси сифатида ўрганадими ёки чет тили сифатида, яъни луғат ким учун мўлжалланган – тил соҳиблари учунми ёки бошқа миллат вакиллари учунми? Шу нуқтаи назардан ўқув луғатлари, аввало, икки турга бўлинади: а) тил соҳиблари учун тузилган луғатлар (асосан, мактабгача ёшдаги ва мактаб ўқувчиларининг ўз она тилисидан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида яратилган луғатлар; б) чет элликлар учун тузилган луғатлар (хорижликларга ўз тилини ўргатиш мақсадида яратилган луғатлар)

**2. Умумий мақсадига кўра.** а) филологик ўқув луғатлари; б) ўқув-энциклопедик луғатларга ажратиш ўринли.

**3. Тил тизимини акс эттириш усулига кўра.** Луғатларнинг барчаси ҳам тил тизимининг қайсидир сатхи бирликларини ўзида акс эттиради. Аксарият луғатларда лексемаларнинг лексик-сематик жиҳатдан бирлашувчи уялари акс эттирилса, айрим луғатлар лексемаларнинг нутқда лексик, морфологик жиҳатдан ўзига мос бирикувчиларни танлаши – валентлик имкониятларига асосланган кетма-кетлик муносабатини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан ўқув луғатлари икки турга бўлинади: а) парадигматик типдаги ўқув луғатлари (масалан, синонимлар, антонимлар, паронимлар, уядош сўзлар луғати ва х.); б) синтагматик типдаги ўқув луғатлари.

**4. Тил семантикасини акс эттиришига кўра.** Тилдаги мавжуд лексик бирликлар семантикасини акс эттиришига кўра ўқув луғатларининг икки тури фаркланади: а) изоҳли луғатлар; б) мавзувий (идеографик луғатлар).

**5. Аспектига кўра.** Тил лексик тизими кўп қиррали, луғатлар унинг бир қиррасини (аспекти) ўрганиш учун ҳам, бир неча қиррасини ўрганиш учун ҳам мўлжалланган бўлиши мумкин. Бунга кўра ўқув луғатларининг қуйидаги турлари ажратилади: а) бир аспекти (синонимлар, антонимлар, иборалар луғати, этимологик) луғатлар; б) кўп аспекти (комплекс) луғатлар – тил лексикасини ўрганишнинг бир неча аспекти камраб олинган (комбинированный, 3&1, 5&1, 10&1да типли) луғатлар.

**6. Тили нуқтаи назаридан.** Ўқув луғати тилни она тили сифатида ўрганувчилар учун яратилган бўлса, бир тилли, хорижий тилларни ўрганишни ҳам назарда тутган бўлса, икки, уч ёки ундан ортиқ тилли бўлиши мумкин. Бундай луғатлар таржима луғатлари ҳам дейилади. Шу нуқтаи назардан ўқув луғатининг қуйидаги тури ажратилади: а) бир тилли ўқув луғатлар; б) икки тилли ўқув луғатлар; в) кўп тилли ўқув луғатлар.

**7. Қўлланишига кўра:** а) фаол луғатлар – ўқувчининг нутқий компетенциясини шакллантириш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда ифодалаш қўникмасини ўстириш учун хизмат қилувчи луғатлар. Бу типдаги луғатлар, одатда, кичик ҳажмли, лексиканинг фақат фаол қатламига мансуб сўзларни камраб олади. Масалан, синонимлар, антонимлар, иборалар, сўз таркиби; б) нофаол луғатлар – ёзма ва оғзаки нутқ меъёрларини англаш, тушуниш, тилнинг семантик имкониятларидан кучли даражада

фойдаланиш учун хизмат қилувчи нисбатан катта ҳажмли ўқув луғатлари.

**8. Таълимнинг қайси бўғинига мўлжалланганига кўра.** Ўқув луғатларининг энг муҳим белгиларидан бири фойдаланувчининг (адресат) аниқлиги, яъни ким учун мўлжалланганлиги масаласи билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ўқув луғатларининг қуйидаги: а) мактабгача ёшдаги болалар учун (3-7 ёшли болалар); б) бошланғич синфлар учун (1-4-синфлар); в) ўрта синфлар учун (5-9-синфлар); г) юқори синфлар (10-11-синфлар), академик лицей ўқувчилари учун; в) олий таълим муассасаси талабалари ва магистрлар учун каби турларини ажратиш мумкин.

**9. Сўзликнинг тартибланишига кўра.** Ўқув луғати сўзлиги луғат туридан келиб чиққан ҳолда алфавит тартибда (сўз таркиби, имло, изоҳли луғатлар), муайян мавзулар остида жамланган ҳолда мавзу остида жамланган ва ички алифбо тартибда жойлаштирилган кўринишларда бўлиши мумкин. Шунга кўра, ўқув луғатининг учта тури ажратилади: а) алфавит тартибли луғат; б) уяли (мавзувий) луғат; в) аралаш тартибли луғат.

**10. Мураккаблик даражасига кўра.** Маълумки, ўқув луғати таълимнинг муайян босқичидаги ўқувчиларга мўлжалланади. Жаҳон ўқув лексикографиясида сўнгги йилларда даражали луғатлар серияси кузатилмоқда. Ўқув луғатлари шу нуқтаи назардан уч турга бўлинади: 1-даражали луғатлар (масалан, мактабгача ёшдаги болалар учун синонимлар ёки омонимлар луғати, изоҳли луғат); 2-даражали луғатлар (масалан, қуйи синфлар учун синонимлар ёки омонимлар луғати, изоҳли луғат); 3-даражали луғатлар (масалан, юқори синфлар учун синонимлар ёки омонимлар луғати, изоҳли луғат);

**11. Ҳажмига кўра.** Айни пайтда ўқув луғатларининг мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган сўзлиги 30-50 дан тортиб узлуксиз таълимнинг юқори бўғинида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган 100 000 тагача сўз ва бирикмани камраб олган турларини ҳам учратиш мумкин. Шунга асосан, айни пайтда ўқув луғатларининг ҳажм жиҳатидан қуйидаги гуруҳларини ажратиш ўринли: **1) кичик луғатлар** – мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжаллаган сўзлик ҳажми 30дан 1000тагача бўлган анъанавий ва замонавий электрон луғатлар; **2) ўрта луғатлар** – бошланғич синф ўқувчилари ва ўрта синфлар (5-9-синф) учун мўлжалланган 1000-5000тагача сўзни камраб олган анъанавий ва замонавий электрон луғатлар; **3) катта ўқув луғатлари** – юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва коллеж талабалари учун мўлжалланган 5000дан 25 000тагача сўзни жамлаган изоҳли, имло, терминологик типдаги луғатлар; **4) академик ўқув луғатлари** – олий ўқув юрти талабалари, магистрлар учун мўлжаллаган сўзлик миқдори 100 000тагача бўлган замонавий (комплекс луғат, супер-луғат, электрон) луғатлар.

**12. Шаклига кўра:** а) анъанавий (босма); б) электрон (компьютер, мобил қурилмалар учун) яратилган луғатлар.

Афсуски, ушбу таснифдан жой олган ўқув луғатларининг аксарияти ўзбек тилида ҳали яратилмаган. Бу эса даврнинг турли талабларини қондирадиган замонавий ўқув луғатларини яратиш вазифасини олдимизга қўймоқда. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўқув луғатчилиги бир неча тур ва жанрларга эгалиги, уларнинг ҳар бири ўз тасниф асосларига эгалиги билан бутун бир тизимни ташкил қила олади.

#### Адабиётлар

- Новиков Л.А. Учебные словари, их специфика и типы. // РЯНШ. 1974, №1.
- Скопина М.А. Об одном существенном типологическом признаке учебного словаря. – М.: НИИОП АПН СССР, 1981.

3. Денисов П.Н. Типология учебных словарей. // Проблемы учебной лексикографии. Денисова П.Н., Новикова Л.А. –М.: Изд.МГУ, 1977.
4. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии. - Л.: 1958.
5. Козырев В. А., Черняк В. Д. Лексикография русского языка: век нынешний и век минувший. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2015.
6. Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии – М.: Изд-во Московского ун-та, 1974.
7. Копецкий Л.В. Теоретические предпосылки двуязычной славянской лексикографии. / «Вопросы лексикографии и издание словарей». –Прага: 1974.
8. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб.пособие – М.: “Наука” Флинта, 2008, -С. 432.
9. Морковкин В.В. О базовом лексикографическом знании // Учебники и словари в системе средств обучения русскому языку как иностранному. – М.: 1986.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада жаҳон, жумладан, ўзбек ўқув лексикографиясида ўқув лугати турлари, уларнинг типларини ажратиш билан боғлиқ муаммолар хусусида сўз боради.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются различные типы учебных словарей, а также вопросы узбекской учебной лексикографии.

## SUMMARY

The article deals with the problems connected with the types of educational dictionaries in the world, including the issues of Uzbek educational lexicography.

## КЎП МАЪНОЛИ СЎЗ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Ш.К.Гулямова - филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Бухоро давлат университети

**Таянч сўзлар:** полисемия (кўп маънолик), омонимия, лексик маъно, лексикология, лексик, фразеологик, грамматик полисемия, семантика, семасиология, бир ва кўп семемали лексема, конверсия, фраза.

**Ключевые слова:** полисемия (многозначность), омонимия, лексическое значение, лексикология, лексическая, фразеологическая, грамматическая полисемия, семантика, семасиология, одно и многосемемная лексема, конверсия, фраза.

**Key words:** polysemy, homonymy, lexical meaning, lexicology, lexical, phraseological, grammatical polysemy, semantics, semasiology, single-and multi-family lexeme, conversion, phrase.

**Кириш.** Лексеманинг биттадан ортик маъно англатиш ходисаси кўп маънолилик ёки полисемия дейилади. Биттадан ортик маъно англатадиган лексема эса кўп маъноли, полисемем, полисемантик лексема саналади [16:33].

Полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрин тутди. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар билангина эмас, сўзларнинг лексик маънолари билан ҳам ўлчанади. Демак, сўзларнинг кўп маънолилиги — полисемия тил бойлигида ўз ўрнига эга.

Тилдаги полисемия ходисаси жуда қадимданок олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Машҳур лексикограф Маҳмуд Кошгарий “Девону лугатит турк” китобида туркий полисемантик сўзларни қайд этади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида сўзлардаги маъноларга алоҳида тўхталиб, уларни она тилининг бойликларида бири. деб ҳисоблайди. Ҳазрат Навоий кўп маъноли (полисемантик) сўзини омонимдан фарқлаган ҳар бир сўзнинг маъно ноаниқликлари ҳақида алоҳида фикр юритган.

Навоий асарларида деярли барча сўзлар кўп маънолидир. Шунинг учун ҳам сўз маъносини изоҳлашда лексикографлар доимо полисемантизмга дуч келганлар. Натижада ўзбек лугатчилиги тарихида сўз маъносини изоҳлаш ўзининг изчил бир тизимига эга бўлган. Бу даврда яратилган барча лугатларда сўз маъносини изоҳлаш “умумийликдан ҳусусийликка” тамойилига бўйсунган ҳолда олиб борилган: олдин умумий, тўғри маъно, сўнгра эса сўзнинг кўчма маънолари изоҳланган [11:48].

**Асосий қисм.** Полисемия ходисасига соф лингвистик нуктаи назардан ёндашиш француз семасиологи М.Бреалдан бошланди. Шундан кейин бу ходиса ҳақида турлича қарашлар юзага кела бошлади [9:14].

Полисемияни баҳолаш тилшунослар орасида зиддиятли фикрларга сабаб бўлди. Баъзи олимларнинг фикрича, “идеал” тилда сўз фақат битта маънога эга бўлиши ва ҳар бир маъно алоҳида номга эга бўлиши керак. Бироқ, бу фақат бир қарашда қулай кўриниши мумкин, аслида сўзларнинг “бирёкламчилиги” тилининг имкониятларини пайсатириб, уни миллий ўзлигидан маҳрум этади. Кўпчилик олимлар ҳақли равишда сўзларнинг ноаниқлигини тилининг заифлиги эмас, балки тил бойлигининг бир кўриниши деб биладилар.

Кўп маънолилик тилининг чексиз имкониятларини эътироф қилади, чунки сўз бойлиги нафақат сўзлар, балки уларнинг қийматларининг хилма-хиллигида, сўзларнинг янги семантик фарқларни олиш қобилиятидир. Сўзлардаги янги маъноларнинг ривожланиши тил лексик ресурсларидан ижодий фойдаланиш қўламини беради [5].

Полисемияда бир хил сўзнинг турли қирралари доимо маъно билан боғлиқ. Бу муносабатлар турли хил бўлиши мумкин: бир хил сўз билан аталган нарсаларнинг

ўхшашлиги ёки битишув ё “қисм – бутун” муносабатларга асосланган. Кўп маъноли сўз қанча маънога эга бўлмасин, бу маънолар қанчалик хилма-хил бўлмасин, сўзнинг ўзи ўзлигида қолади.

Олим М.Миртожиев полисемия билан чалкашликни юзага келтирувчи ёндош ходисалар сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) конверсия, 2) омонимия, 3) фраза [9:14].

Полисемия ва полисемия асосида ҳосил бўлган омонимларни фарқлашда ички семантик боғлиқнинг, яъни мотивациянинг унутилганлигига, хиралашган-лигига асосланиш керак бўлади.

Полисемиядан фарқли ўлароқ, омоним сўзларнинг маънолари бир-бири билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас ёки омоним маънолар ўртасидаги алоқа ҳозирги ҳолат нуктаи назаридан йўқолган. Омонимлар, одатда, алоҳида лугавий ёзувларда, полисемантик сўзлар эса – биттада берилди; кейинчалик сонлар билан берилган сўзнинг бир неча маъноларини танлаш орқали ҳавола этилади. Бироқ турли лугатлар баъзан бир хил сўзларни бошқача тақдим этади.

Омонимия муаммосига оид кўплаб изланишлар полисемияни омонимиядан ажратиш масаласи лексикографик қўлланмалар яратишда ҳам, тил ўрганиш амалиётида ҳам энг қийин масала ҳисобланади. Қийинчилик полисемиянинг қулаши натижасида ҳосил бўлган лексик омонимларни фарқлашдир. Баъзи тадқиқотчилар бундай омонимларни семантик омонимлар деб атайдилар.

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тақлиф этилган сўз маъносининг фарқлилигига асосланган семантик омонимларни ўрнатиш мезони омонимияни кўрсатувчи зарур ҳусусиятдир, лекин шунга қарамай у субъектив талқинларга олиб келади. Шунинг учун семантик жиҳат билан бир қаторда, биз тилда бундай семантик омонимларнинг шаклланишини тасдиқлайдиган ташқи белгига муҳтожмиз.

В.В.Виноградовнинг фикрича, омонимни ажратиш белгиси сўзнинг конструктив-шартланган маъноси ҳам бўлиши мумкин, лекин бу ерда олим конструктив шартлиликнинг ҳар хил турлари омонимиянинг ҳам белгилари бўлиши мумкинлигини назарда тутди ва сўзнинг турли маъно чегараларини кўрсатиб беради [3].

Е.М.Галкина-Федорук сўзларда маъноларнинг семантик узоқлиги улар орасида омонимик муносабат мавжудлигини англатишини таъкидлайди [4].

М.С.Гуричева ва Б.А.Серебренников сўз маъноларининг бўлинишидан семантик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган янги сўз – омонимия вужудга келишини қайд этадилар [6].

Демак, омонимлар полисемия сўзининг семантик бўлиниши натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Шу билан